



ХАЛҚАРО ТАЖРИБАЛАР: КИЧИК КАССА ВА ИЧКИ НАЗОРАТ

Эшонқулов Акмал

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

ORCID: 0000-0003-1826-6715

akmaleshonqulov81@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада кичик кассанинг кирими ва чиқимида доир операциялар, кичик касса операцияларини счётларда акс эттириш тартиби, пул сарфланиши тўғрисидаги ҳисобот, кичик кассани юритишнинг хориж тажрибасининг мамлакатимизда қўлланилиши, кассада пул маблағларининг ҳаракати бўйича ички назорат ҳамда тез ликвидлик коэффициенти ҳисоблаш тартиби баён этилган. Кичик кассани ташкил этиш ва юритиш бўйича тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: пул маблағлари, бош касса, кичик касса, операцион касса, пул сарфланиши тўғрисидаги ҳисобот, тез ликвидлик.

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ: МАЛАЯ КАССА И ВНУТРЕННИЙ КОНТРОЛЬ

Эшанкулов Акмал

Самаркандский институт экономики и сервиса

Аннотация. В статье рассмотрены операции, связанные с поступлением и выбытием денежных средств, порядок отражения операций по кассовым операциям на счетах бухгалтерского учета, отчет о расходовании денежных средств, применение зарубежного опыта управления кассовыми операциями в нашей стране, внутренний контроль за движением денежных средств в кассе, порядок расчета коэффициента быстрой ликвидности. Даны рекомендации по организации и управлению малой кассой.

Ключевые слова: денежные средства, общая касса, малая касса, операционная касса, отчет о расходовании денег, быстрая ликвидность.

INTERNATIONAL EXPERIENCES: PETTY CASH AND INTERNAL CONTROL

Eshankulov Akmal

Samarkand Institute of Economics and Service

Abstract. This article describes the operations related to the entry and exit of petty cash, the procedure for reflecting petty cash transactions in the accounts, the report on spending money, the application of foreign experience of petty cash management in our country, internal control over the movement of funds in the cash register, and the procedure for calculating the quick liquidity ratio. Recommendations on the organization and management of a small cash register are given.

Keywords: cash, general cash, petty cash, operating cash, report on spending of money, fast liquidity.

Кириш.

Пул маблағлари жорий активлар таркибига киради. Бизнеснинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи. Пул маблағларининг бошқа жорий активлардан фарқли ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Пул маблағлари қиймат ўлчови ва тўлов воситаси ҳисобланади. Пул маблағлари ўта тез ликвидли актив ҳисобланади. Ташкилотлар доимий равишда пул маблағларига эҳтиёж сезади. Шу боис, корхоналарда пул маблағлари етарли миқдорда бўлиши талаб этилади.

Агарда пул маблағларининг қолдиғи корхона эҳтиёжлари учун етарли бўлмаса, уҳолда корхона банкдан кредит олишга, таъсисчиларининг қўшимча маблағларини жалб қилишга ёки бошқа ташкилотлардан қарз олишга мажбур бўлади.

Агарда пул маблағларининг қолдиғи корхона эҳтиёжларидан ортиқ бўладиган бўлса, пул маблағларини қисқа муддатли инвестицияларга йўналтириши, бошқа ташкилотларга қарз бериши ёки бошқа инвестиция дастурларини амалга ошириши мумкин бўлади.

Шу боис, оптимал пул маблағлари таъмин этиш зарурияти туғилади. Бу эса касса ҳўжалигини ташкил этиш ва бошқариш, пул маблағларидан самарали фойдаланишни тақозо этади.

Бугунги кунда долзарб масалалардан бири бу пул маблағлари ҳисоби, касса ҳўжалиги ва уни бошқариш, пул маблағларининг молиявий менежментини амалга оширишда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш бўлиб ҳисобланади. Бугун касса операцияларни юритишда қандай муаммолар бор? уларни ҳал қилиш учун қандай ишларни амалга оширишимиз керак? деган саволлар кун тартибидаги масалалар саналади. Мамлакатимизда пул мабларлари, жумладан касса операциялари қатъий регламентлаштирилган. Кичик харажатлар учун кичик касса фаолияти йўлга қўйилмаган. Кассада пул чиқими қийинлаштирилган. Ходимлар томонидан ташкилот ишлари учун амалга оширган кичик (масалан, такси харажатлари, иш юзасидан кўчада овқатланиш, корхона мақсадларида шахсий телефонида фойдаланиш, девонхона товарлари учун) тўловлари кўп ҳолларда тўлаб берилмайди. Бу ҳолат меҳнат унумдорлигини пасайтиради, ходимларнинг қўнимсизлигини оширади. Шу боис, бизнинг фикримизча бугунги кунда амалиётимизда кичик кассанинг катта муаммолари тўпланиб қолган. Зудлик билан бу борада мавжуд муаммоларни ҳал қилиш, барча ташкилий-иқтисодий механизмларни ишга солиш, касса ҳисобини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, ҳаққоний ва ишончли ахборот олиш мақсадида қатъий регламентлаштирилган ҳисоб тизимидан халқаро принципларга таянган ҳисоб тизимига ўтиш долзарб ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи.

Рахманов (2022) кичик кассадаги пул маблағлари тушунчасини эътироф этган. Муаллиф, "пул маблағлари - мажбуриятларни зудлик билан тўлаш учун ишлатилиши мумкин бўлган барча турдаги маблағларни ўз ичига олади. Пул маблағлари молиявий муассасалардаги жорий ҳисобварақлардаги қолдиқлар, нақд купюралар, тангалар, валюталар, кичик кассанинг нақд пуллари ва молиявий муассасалар томонидан муддатли депозитлар ва муомаладан чиқариш учун қабул қилинган, корхона кассасидаги конкрет ўтказиб бериладиган пул ҳужжатларидир." деб таъкидлайди.

Россияда чоп этирилган мақолалар муаллифлари касса интизомига кўпроқ эътибор қаратишган. Жумладан, Килина (2025) касса интизомининг асосий қоидаларига қуйидагиларни киритади: "Касса интизоми қоидалари белгилайди: нақд операцияларни тасдиқлаш учун қандай ҳужжатлар расмийлаштирилади; кассада нақд пулларни қандай олиш ва кассада берилиши мумкин; қандай мақсадларга нақд пулларни ишлатиш мумкин; нақд билан тўланаётганда битимларни қанча суммага тузиш мумкин; касса қолдиғида қанча пулларни сақлаш мумкин."

Молиявий ҳисоб 1 бўйича дарсликда (2010) “Кичик касса бу аванс фонди турли қўриниши бўлиб, қайси ушбу фонд орқали кунлик харажатлар учун зарур бўлган нақд пуллар таъмин этилади.Кичик кассалар кўп турдаги кичик тўловлар, жумладан ходимларнинг транспорт харажатлари, почта харажатлари, концелярия товарлари ва етказиб бериш бўйича харажатларни ўз ичига олади.”

Нидлз (2003) “Қачонки фирмалар чеклар бўйича ҳисоб-китоб қилишда ноқўлайликлар мавжуд бўлса кичик касса фонди (patty cash fund) ташкил этади, қайсики бу аванс тизими (imprest system) асосида ишлатилади” деб таъкидлайди.

Вуд (2024) касса китобини иккита устунда юритишни таклиф этади. Муаллиф “касса китоби бу кассак счёти ва банк счёtlарини битта китобга бирлаштирилишига айтилади” деб таъриф бериб ушбу касса китобининг шакллари амалий мисолларда ёритиб беради.

“АҚШ бухгалтерия ҳисобидаги кичик касса (patty cash) - компаниянинг кичик миқдордаги нақд пуллари сақлаш учун мўлжалланган ва асосан кичик тўловлар учун фойдаланиладиган касса. “Кичик пул фонди”нинг миқдори қатъий белгиланган; Кичик нақд пул вақти-вақти билан (масалан, ҳафтада бир марта) сарфланган аниқ миқдор билан тўлдирилиши керак, бу эса уни белгиланган миқдорга қайтаради. Нақд пул берилганда, харажат санаси, миқдори ва мақсади кўрсатилган ваучер берилади. Нақд пул қолдиғи ва ваучерларнинг умумий қиймати биргаликда кичик пул фондининг белгиланган миқдорини ташкил қилади.” (klerk.ru, n.d.)

Онлайн электрон кассани ташкил этиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Нурманов (2022) “БҲХС доирасида пул маблағлари сифатида қуйидагилар тан олинади:

Банкда (cash at bank) майда пул маблағлари (petty cash) нақд пул эквивалентлари (cash equivalents); пул ҳажжатлари; ёзувлар (notes); чеклар (cheqs); банкдаги омонатлар (bank deposits).” (Нурманов, 2022)

Ушбу тадқиқотлар асосида хулоса қилиш мумкинки, халқаро тажрибаларва стандартларда **кичик касса (petty cash)** тушунчаси киритилган. Корхоналар ўзларининг кунлик нақд пулга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун кичик кассаларни ташкил этади. Бу тажрибани бизнинг амалиётимизга ҳам жорий қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Кичик касса деганда, корхонанинг кундалик эҳтиёжлари, кичик тўловлар, жумладан ходимларга транспорт харажатлари, девонхона товарлари, офис харажатлари, чой-кофе, сув харажатлари, ташқарида овқатланиш, меҳмондорчилик, почта, етказиб бериш, кичик ҳажмдаги товарлар, иш ва хизматлар учун нақд пул тўловларини амалга оширадиган ғазнага айтилади.

Бизнинг амалиётимизда ҳам кичик кассани ташкил этишга зарурият мавжуд. Кўпинча амалиётда ходимлар иш юзасидан бошқа ташкилотларга боришда такси харажатлари, иш юзасидан овқатланиш, сув-кофе, корхонанинг иши учун ҳамкорлар ва меҳмонларни зиёфат қилиш харажатлари ходимнинг ўзининг ҳисобидан амалга оширилиб келмоқда. Бу эса ходимларнинг нарозилигини, моддий манфаатдорликни камайитишга, иш унумининг пасайишига олиб келади.

Ишлаб чиқариш жараёнида ишлаётган ходимлар учун газланмаган сув, чой, доридармонлар билан таъминлаш керак. Ходим иш жараёнида сувни ўзи сотиб олиб ичмайди, чой кишининг бардам қилади, унумдорликни оширади. Шу пайтгача замонавий корхоналар ташкил этилганга қадар бу офис ишларини ташкил этиш масалаларига эътибор қаратилмас эди. Ходимга фақат иш ҳақи берилар, бошқа унга биронта харажати қоплаб берилмас эди. Уни ишга келиши, овқатланиши, ишдан уйига кетиши, доридармони, су, кофе, чой ва бошқа инсон учун биринчи навбатдаги

эҳтиёжлари қондирилмас эди. Туалет ва санитария ҳолатлари учун корхона маблағ ажратмас эди. Бу эса корхоналарда ижтимоий муҳит, инсоний шарт-шароитлар ва қўлайликларни яратишда монелик қилар эди.

Ҳозирги кунда инсон ва унинг манфаати биринчи ўринга чиқмоқда. Ўзбекистон ижтимоий давлат. Шунинг учун барча ташкилотларда қайси мулкда ишлашидан қатъий назар иш шароитларини яхшилаши, ходимларини овқалантириш, тиббий ёрдам ташкил этиши, ишга олиб келиши ва ишдан уйига олиб бориб қўйиши, сув, чой кофе, дафтар, ручка, офис жиҳозлар ва девонхона ашёлари билан таъминлаш, ташқарида корхона мақсадлари учун амалга оширган харажатларини қоплаб бериш мажбуриятини олиши керак.

Бу коррупцияни олдини олишнинг муҳим шарт-шароитларидан ҳисобланади. Кичик касса масаласи кичик масала бўлиб кўрингани билан катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган масаладир. Буни ташкил қилиш замон талаби, халқаро стандартлар ва жаҳон тажрибаси талаби ҳисобланади.

Кичик кассани ташкил этиш зарурияти қуйидаги омиллардан келиб чиқади:

Корхонанинг мақсадлари учун қўплаб майда харажатлар юзага келадики, уларни молиялаштириш зарурияти юзага келади. Ушбу харажатлар таркиби қуйида келтирилган;

Ходимларни ижтимоий ҳимоялаш, адолат ўрнатилиши, ходимларни рози қилишни таъминлаш зарурияти;

Ходимлар томонидан корхона мақсадлари учун амалга оширилган харажатларни тўлиқ қоплаш, ходимларнинг ишга келиши ва кетишига доир транспорт харажатлари, чой, кофе, сув, тушлик, кечки ишлайдиганлар учун кечки овқатлар тўловларини амалга оширилиши меҳнат унумдорлигини оширишда муҳим омиллар ҳисобланади;

Ходимларга корхона мақсадлари учун амалга оширган тўловларини қоплаб берилиши бу коррупцион ҳолатларнинг олдини олишда аҳамиятлидир;

Ходимларнинг иш ҳақлари реал қийматининг ошишини таъминлайди;

Кичик касса амалиётини жорий этиш яширин иқтисодиёт ҳиссасини камайитиришга хизмат қилади.

Ушбу заруриятлардан келиб чиқиб кичик кассани ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Кичик касса амалиётини жорий қилиш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

Корхоналарнинг ҳисоб сиёсатига кичик касса ҳисобига доир моддалар киритиш керак. Кичик кассага пул маблағлари келиб тушадиган манбалар, уларни сарфлаш йўналишлари, кичик кассадан пул маблағларини сарфлаш учун ваколатга эга бўлган раҳбар шахслар, кичик кассадан амалга оширилган харажатларнинг мақсадга мувофиқлигини назорат қилиш масалалари;

“Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш тўғрисида”ги Қоидаларига кичик касса тушунчасини киритиш ва унда амалга ошириладиган операцияларни ҳисобга олиш тартибини белгилаб бериш;

Тижорат банклари билан кичик кассада кўзда тутилган маблағлар лимитини келишиш.

Кичик кассанинг кирими ва чиқими операцияларини 1-жадвалда акс эттириш мумкин.

Кичик касса операцияларини ҳисобга олиш учун корхоналарнинг ишчи счётлар режасига 5011 “Кичик касса” счётини очишни тавсия этамиз. Бу счёт актив счёт ҳисобланади.

Кичик кассадаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг (5011) дебети бўйича корхона кичик кассасига келиб тушган пул маблағлари акс эттирилади. Кредити

бўйича корхона кассасидан тўланадиган пул маблағлари ва ортиқча пулни асосий кассага қайтариш акс эттирилади.

1-жадвал

Кичик кассанинг кирими ва чиқимига доир операциялар

Кирими	Чиқими
1. Банкдаги ҳисоб-китоб счётидан пул келиб тушди	1. Офис девонхона товарлари учун сарфлар
2. Бош кассадан пул келиб тушди	2. Кичик миқдордаги товарлар хариди, бажарилган ишлар ва хизматлар учун тўловлар
3. Операцион кассадан пул олинди	3. Офис ходимлари ва ишчилар учун чой-кофе, сув хариди учун тўловлар
4. Корхона таъсисчисидан қайтариш шарти билан пул олинди	4. Ходимларнинг иш юзасидан такси ва транспорт харажатлари, машина парковкаси учун тўловлар
5. Бошқа манбалардан	5. Ходимларнинг иш юзасидан ташқарида овқатланиши, меҳмонларни кутиб олиш ва бошқа вакиллик харажатлари учун тўловлар
	6. Ходимларнинг соғлиғи учун дорихоналардан олинган дори-дармонлар учун тўловлар
	7. Санитария, туалет ва тозалаш воситалари учун тўловлар
	8. Газета, китоблар ва журналлар харид қилиниши
	9. Хайрия, эҳсон, ёрдам ва бошқа тўловлар
	10. Ортиқча пулларни асосий кассага қайтариш

Манба: муаллиф ишланмаси.

Кичик касса операцияларни ҳисобларда тўлақонли акс эттириш мақсадида қуйидаги счётлардан фойдаланамиз (2-жадвал).

2-жадвал

Кичик касса билан алоқадор счётларнинг таркиби

Счётларнинг рақамлари	Счётнинг номи
5010	Асосий (бош) касса
5011	Кичик касса
5012	Операцион касса
9420	Маъмурий-бошқарув харажатлари
9430	Бошқа операцион харажатлар
2510	Умумишлаб чиқариш харажатлари

Манба: 21-сон БҲМС ва муаллиф таклифлари.

Компаниялар ҳар бир бўлинмасида кичик кассалар ташкил этилиши мумкин. Кичик кассага маблағлар асосий кассадан ўтказилади.

Д-т 5011 Кичик касса..... 8 500 000 сўм

К-т 5010 Асосий касса.....8 500 000 сўм

Асос: Корхона эҳтиёжлари, чой-кофе хариди, девонхона товарлари хариди, ходимларнинг иш мақсадларида такси харажатлари, ташқарида овқатланиш харажатлари учун асосий кассада кичик кассага маблағ ўтказилди.

Кичик кассада харажатлар амалга оширилганда қуйидаги ёзувлар берилади:

Д-т 9420	Маъмурий-бошқарув харажатлари”(Девонхона товарлари)	880 000 сўм
Д-т 9420	“Маъмурий-бошқарув харажатлари”(Чой-кофе ва сув хариди)	2 450 000
Д-т 9430	“Бошқа операцион харажатлар” (Санитария, туалет ва тозалаш воситалари)	1 850 000
Д-т 9420	“Маъмурий-бошқарув харажатлари” (Ходимлар иш юзасидан такси харажатлари)	850 000
Д-т 9420	“Маъмурий-бошқарув харажатлари” (Ходимларнинг ташқарида овқатланиши, меҳмондорчилик, вакиллик харажатлари)	2 100 000
К-т Кичик касса		8 130 000 сўм

Асос. Жавобгар шахс томонидан девонхона товарлари 880 000 сўм, офис учун чой-кофе ва сув хариди 2 450 000 сўм, санитария, туалет ва тозалаш воситалари учун 1850 000 сўм, иш юзасидан ташқарида бўлган пайтларида ходимларнинг овқатланиши, меҳмондорчилик ва вакиллик харажатлари 2 100 000 сўм. Кичик кассадаги қолдиқ 370 000 сўмни ташкил этган.

Ушбу жараёнлар бўйича бухгалтерия ишланмаларини қуйидаги 3-жадвалда расмийлаштирамиз.

3-жадвал

Кичик касса операцияларини счётларда акс эттириш тартиби

Молиявий-иқтисодий операциялар	Счётларнинг боғланиши		Сумма
	Дебет	Кредит	
1. Банкдаги ҳисоб-китоб счётидан кичик кассага пул келиб тушди	5011	5110	5 800 000
2. Асосий кассада кичик кассага пул келиб тушди	5011	5010	20 450 000
3. Операцион кассада кичик кассага пул ўтказилди	5011	5012	4 850 000
4. Офисни девонхона товарлари билан таъминлаш учун дўконлардан нақд пулга зарур девонхона товарлари сотиб олинди	9420	5011	5 850 000
5. Офисни чой-кофе, сув, шакар, конфет, мева ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлаш учун бозорлар ва дўконлардан нақд пулга маҳсулот сотиб олинди	9420	5011	8 320 000
6. Ишлаб чиқариш ходимларини сув, чой, доридармон ва бошқа керакли маҳсулотлар нақд пулга харид қилиб олинди	2510	5011	7 386 000
7. Офис ходимларининг иш юзасидан такси, транспорт, ташқарида овқатланиши, меҳмондорчилик ва вакиллик харажатлари учун нақд пул берилди	9420	5011	5 850 000
8. Офис ходимлари ва ишчилар томонидан корхона мақсадларида операцион харажатлар амалга оширилди	9430	5011	3 278 000

Манба: муаллиф ишланмиси.

Кичик кассанинг муҳим функцияси бу корхона офиси ва ишлаб чиқаришни ташкил этишда юзага келадиган майда харажатларни пул билан таъминлаш бўлиб ҳисобланади. Шу мақсадда пул кирим қилинади ва белгиланган мақсадларда сарфланади.

Кичик кассада пул маблағларини сарфланиши учун ваколатли шахсларнинг мажбуриятлари ва ваколатларини белгилаб олиш керак. Масалан, офис учун қилинадиган харажатлар учун офис менежери масъул бўлиб, қилинадиган харажатларни амалга ошириш учун ваколатли шахс қилиб белгилаш мумкин. Офис менежери офис эҳтиёжларини ҳисоблаб, кичик кассадан маблағ олиш учун директорга буюртма киритади. Директор ёки ваколатли шахс имзолагандан кейин кичик кассадан пул олинади. Товарлар ва маҳсулотлар харид қилингандан кейин уларни чеки ва квитанцияларини ёки бошқа асословчи ҳужжатларини тақдим қилиш асосида ҳисобот тақдим қилинади. Ҳисоботнинг шаклини ҳар бир корхона ўзининг ҳисоб сиёсатида тасдиқлайди.

Корхона амалиётини ўрганиш асосида мисол келтириш мумкин, Лэнг Аларко МЧЖ корхонаси офис менежери кичик кассадан 3 000 000 сўм офис учун зарур бўлган товарлар ва ашёларни ҳамда бошқа корхона мақсадидан келиб чиқадиган харажатларни амалга ошириш учун пул олди. Кассир бу пулга аванс пули деб чиқаради. Чиқарилган аванс пуллари алоҳида қайд қилинади, лекин у кичик касса ҳисоботида киритилмайди. Аванс доскасида туради. Бу шуни англатадики, бу аванс тариқасида масъул шахсга берилди, лекин бу суммалар масъул шахс томонидан ҳисобот топширилгунга қадар кичик кассир жавобгарлигида бўлади.

Офис менежери 3 000 000 сўмни кичик кассадан аванс пул чиқими ҳужжатида имзо чекиб олгандан кейин дўконларда харидларни амалга оширади ва кичик кассага ҳисобот топширади. Ҳисоботни қуйидаги шаклда бериш мумкин.

Пул сарфланиши тўғрисидаги ҳисобот

Ташкилотнинг номи: Лэнг Аларко Ўзбекистон

Бўлим: Офис

Масъул шахс: Офир менежери

Сана: 30.12.2024

Харажатнинг тури	Суммаси
Офис учун чой-кофе, минерал сув, конфет ва мевалар харид қилинди (карзинка уз. дўконининг харид чеклари илова қилинади)	450 800
Офис учун девонхона товарлари харид қилинди (харид фактураси илова қилинади)	1 870 400
Офис менежери томонидан ишлатилган такси харажатлари (тўлов ҳужжатлари тақдим қилинади)	350 500
Жами	2 671 700

Офис менежери

Х.Ахмедов

Корхона директори

З.Ўзтүрк

Кассир ушбу ҳисоботни қабул қилгандан сўнг, кичик кассадан чиқим касса ордери ёзиб 2 671 700 сўмни чиқиш қилади. Бир вақтнинг ўзида берилган аванс суммани ҳам ўзгартиради. Энди, офис менежерига берилган аванс суммасидан 328 300 сўм қолади (3 000 000 – 2 671 700).

Ушбу тартибнинг биздаги амалдаги тартиб билан бир қанча фарқли жиҳатлари мавжуд.

4-жадвал

Кичик кассани юритишнинг хориж тажрибасининг мамлакатмиздаги амалиётдан фарқли жиҳатлари

Хорижий тажрибаларда	Миллий амалиётимизда
Касса операцияларини юритиш бўйича стандарт ёки Низом тасдиқланмаган. Компаниялар ўзларининг ҳисоб сиёсатларида касса операцияларини юритиш тартибини белгилайди	БҲМСларидан ташқари “Касса операцияларини юритиш тўғрисидаги” қоидалар мавжуд. Корхона ва ташкилотлар касса ҳужалигини ташкил этишида қатъий риоя қилиниши талаб этилади
Касса ҳисоботи ва касса ҳужжатларининг қатъий тасдиқланган шакллари ва тўлдириш тартиби амал қилмайди.	Касса ҳисоботи ва кассанинг бошланғич ҳужжатларининг шакллари қатъий белгиланган. Унга тўлиқ риоя қилиш талаб этилади
Хорижий тажрибаларда кичик касса амалиётига рухсат этилган.	Кичик касса амалиёти амал қилмайди. Барча операциялар бош кассадан ўтказилади
Кичик касса бўйича пул сарфланишига ваколатли шахслар белгиланади	Кассадан пул маблағларининг белгиланган тартиб асосида корхона раҳбари ва бош бухгалтернинг имзоси билан амалга ошади
Кичик кассадан амалга ошириладиган харажатлар, жумладан офис харажатлари, такси харажатлари, девонхона товарлари учун тўловлар ва бошқа кичик харажатлар учун тўловларга рухсат берилади	Кассادا нақд пулларни сақлаш лимити белгиланади, ҳужалик мақсадлари учун пуллар ҳисобдор шахсларга берилади. Улар аванс ҳисоботи топширади. Имкон қадар қолган барча харажатлар шартнома асосида пул кўчириш йўли билан амалга оширилади
Кичик кассадан амалга ошириладиган харажатларнинг мақсадга мувофиқлиги	Қатъий регламентлаштирилган. Ходимлар томонидан корхона мақсадларида амалга оширган кичик харажатлари қопланилмайди

Манба: муаллиф ишланмаси.

Кассада пул маблағларининг ҳаракати бўйича **ички назорат** ўрнатилиши керак. Ички назоратнинг асосий мақсади пул маблағларининг корхонанинг молиявий сиёсатига мувофиқ харажат қилинаётганлиги, ўз мақсадида ишлатилаётганлиги ҳамда мақсадсиз чиқимларга барҳам беришдан иборат. Ички назоратнинг асосий функциялари қуйидагилардан иборат:

пул маблағларининг молиявий сиёсатга мувофиқ келиб тушадиган манбалардан тўлиқ келиб тушганлигини назорат қилиш;

келиб тушиши бўйича жавобгар шахсларн ваколатлари ва жавобгарликларини белгилаш;

пул маблағлари ҳисоби процедураси, пул маблағлари харажати бўйича ваколатларнинг тақсимланганлиги;

пул маблағларининг сақланиши тўғри ташкил қлинганлигини назорат қилиш;

пул маблағлари ҳисобининг алоҳида юритилиши;

нақд пулга амалга оширилган харажатларнинг мақсадга мувофиқлигини таъминлаш;

мунтазам равишда кассада пул маблағларини инвентаризациясини ташкил этиш;

пул маблағлари жисмоний ҳаракати устидан назоратни ўрнатиш.

Хориж тажрибаларини ўрганадиган бўлсак, пул маблағлари ва эквивалентлари ҳамда олинадиган сётларнинг жорий мажбуриятларга нисбати тез ликвидлик даражасини тавсифлайди. Масалан, қуйидаги жадвалда таҳлил қилшимиз мумкин бўлади (5-жадвал)

5-жадвал

Тез ликвидлик коэффицентини ҳисоблаш учун талаб этиладиган моддалар

Кўрсаткичлар	20X3 йил	20X2 йил
Пул маблағлари	350 450 000	280 285 000
Қисқа муддатли инвестициялар	55 880 000	55 880 000
Соф дебиторлик қарзлари	157 458 000	130 956 000
Жами тез ликвидли активлар	563 788 000	467 121 000
Жорий мажбуриятлар	620 425 000	583 236 000

Ушбу кўрсаткичлар асосида тез ликвидлик коэффицентини ҳисоблаймиз.

$$20X2 \text{ йил тез ликвидлик коэффицентини} = \frac{467121000}{583236000} = 0.801$$

$$20X3 \text{ йил тез ликвидлик коэффицентини} = \frac{563788000}{620425000} = 0.909$$

Демак, хулоса қилиш мумкинки, 20X3 йилда 20X2 йилга нисбатан тез ликвидлик даражаси 0,801 дан 0,909 ошган. 20X3 йили компания тез ликвидли активлари жорий мажбуриятларни 90,9% қоплаш имкониятига эга. Бу ўтган йилга нисбатан 13,5 % ошган (90,9/80,1). Бу эса компания молиявий ҳолатининг яхшиланишига олиб келади. Унинг тўлов қобилияти ошганлигидан далолат беради.

Хулоса ва таклифлар.

Юқоридаги тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар қилинди.

1. Олимлар томонидан кичик касса тушунчасига берилган таърифлар тадқиқ қилинганда маълум бўлдики, кичик касса тушунчаси қўлланилсада такомиллашган таъриф берилмаган. Соҳага доир адабиётларни ўрганиш асосида кичик кассага қуйидагича таърифни бердик: **“Кичик касса** деганда, корхонанинг кундалик эҳтиёжлари, кичик тўловлар, жумладан ходимларга транспорт харажатлари, девонхона товарлари, офис харажатлари, чой-кофе, сув харажатлари, ташқарида овқатланиш, меҳмондорчилик, почта, етказиб бериш, кичик ҳажмдаги товарлар, иш ва хизматлар учун нақд пул тўловларини амалга оширадиган ғазнага айтилади.”

2. Тадқиқот ишида кичик кассанинг зарурияти асосланди. Ҳозирги кунда инсон ва унинг манфаати биринчи ўринга чиқмоқда. Инсонларни рози қилиш тамойили жорий этилмоқда. Шундай экан, барча ташкилотлар қайси мулкда ишлашидан қатъий назар иш шароитларини яхшилаши, ходимларини овқалантириш, тиббий ёрдам ташкил этиши, ишга олиб келиши ва ишдан уйига олиб бориб қўйиши, сув, чой кофе, дафтар-ручка, офис жиҳозлар ва девонхона ашёлари билан таъминлаш, ташқарида корхона мақсадлари учун амалга оширган харажатларини қоплаб бериш мажбуриятини олиши керак. Мазкур тадбирлар коррупцияни олдини олиш, ходимларнинг иш ҳақлари реал қийматининг ошиши, яширин иқтисодиёт ҳиссасини камайтиришга хизмат қилади. Буларнинг барчаси кичик касса амалиётини жорий қилишни зарурият қилиб қўяди.

3. Кичик касса амалиётини жорий қилиш мақсадида корхоналарнинг ҳисоб сиёсатига кичик кассага пул маблағлари келиб тушадиган манбалар, уларни сарфлаш йўналишлари, кичик кассадан пул маблағларини сарфлаш учун ваколатга эга бўлган раҳбар шахслар, кичик кассадан амалга оширилган харажатларнинг мақсадга мувофиқлигини назорат қилиш масалалари белгиловчи моддалар киритиш, “Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш тўғрисида”ги Қоидаларига кичик касса тушунчасини киритиш ва унда амалга ошириладиган операцияларни ҳисобга олиш тартибини белгилаб бериш таклифлари киритилди.

4. Кичик кассанинг кирими ва чиқимида доир операциялар таркиби, кичик касса операцияларини ҳисобга олиш учун корхоналарнинг ишчи счётлар режасига 5011 “Кичик касса” счётини очишни тавсия этилди. Кичик касса операцияларини счётларда акс эттириш тартиби, шунингдек бухгалтерия ёзувлари ишланмаси тавсия этилди.

5. Кичик кассада масъул шахсларга аванс берилганда, ушбу суммани аванс доскасига ёзиш, кичик кассадан пул олиб харажатларни амалга оширган масъул шахс томонидан “Пул сарфланиши тўғрисидаги ҳисобот” тузиш ва ушбу ҳисобот асосида кичик кассадан пул маблағларини чиқим қилиш ва олинган аванс суммасига тўғирлашлар киритиш тажрибасини жорий этиш тавсия этилди.

6. Кичик касса бўйича хориж тажрибасининг афзалликлари, мамлакатимиздаги амалда бўлган тартиб-қоидалардан фарқли жиҳатлари, илғор тажрибаларни қўллаш самарадорлиги масалалари очиб берилди.

7. Кассада пул маблағларининг ҳаракати бўйича **ички назорат** ўрнатилиши зарурлиги асосланиб, унинг асосий мақсади пул маблағларининг корхонанинг молиявий сиёсатига мувофиқ харажат қилинаётганлиги, ўз мақсадида ишлатилаётганлиги ҳамда мақсадсиз чиқимларга барҳам беришдан иборат эканлиги таъкидланиб, ички назоратнинг асосий функциялари белгилаб берилди.

8. Хориж тажрибаларини ўрганиш асосида тез ликвидлик даражасини бухгалтерия баланси маълумотлари асосида ҳисоблаш ва таҳлил қилиш тартиби келтирилди.

Ушбу таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши пул маблағлари ҳисоби ва ҳисоботини халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга, МҲХСларини жорий этишга, ишончли ва ҳаққоний ахборотлар олишга имконият яратади.

Адабиётлар/Литература/References:

lex.uz (n.d.) Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида <https://lex.uz/ru/docs/2683844>

БҲМС (2017) 21-сон БҲМС Available at: <https://bhms.uz/wp-content/uploads/2017/07/21.doc>

Ксения Кулина. (2025) Кассовая дисциплина: как вести кассовые операции в 2025 году. // https://www.moysklad.ru/poleznoe/izmenenija-v-54-fz/kassovaya-distsiplina-kak-vesti-kassovye-operatsii/?utm_source=google.com&utm_medium=organic&utm_campaign=google.com&utm_referrer=google.com

Нидлз Б. и др. (2003) Принципы бухгалтерского учета. –М.: Финансы и статистика, 496 с. 113-б

Нурманов У.А. (2022) Жорий активлар таҳлили: назария ва амалиёт. Монография. –Т: “Lesson Press” нашриёти. -205-б. 98-б.

Рахмонов Ш.Ш. (2022) Ххўжалик юритувчи субъектларда пул маблағлари ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ташкил қилишнинг амалдаги ҳолати Science And Innovation International Scientific Journal ISSN: 2181-3337 №4.